

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ёшлар ишлари агентлиги  
директори йўринбосари

Ж.Ходжаев



Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун  
SMS-хабарнома хизматини харид қилиш  
**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

XJ

## I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тұғрисида”ги Конуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва үтказиш тартиби тұғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

#### Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун SMS-хабарнома хизматини күрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов үтказиш кўзда тутилган.

**Товарларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 81 000 000 (саксон бир миллион) сўм.**

Хизмат танлов ҳужжатларининг тижорат қисмидаги жойлашган талабларига биноан етказилиши лозим.

Етказиб бериш муддати: шартнома асосида келишилади.

### 2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун SMS-хабарнома хизматини күрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов ҳужжатлари талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

Танлов үтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;**

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайҳонтохур тумани Навоий 11а

Танловни ташкил этиш ва үтказиш учун масъул шахс – Ишлар бошқармаси бошлиғи М.Табибуллаев;

Тел.: (99) 110-86-86

### 3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов үтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни үтказади;
- танлов талабгорларига тааллукли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишида оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур холларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Танловнинг ташкилотчиси – Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:**

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов үтказилиши тұғрисида республика товар хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

### 4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини үрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;
- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлади ва қарор қабул қиласди.

**Катнашчи – мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган**

ташкilotлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тұғрилиги учун жавобгарликни үз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш хуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки үзгартириш хуқуқига эга.

## **5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблари**

5.1. Иштирокчи таклифда қатнашиш учун e-tender.uzex.uz сайтида жойлаштирлган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш орқали иштирок этади.

5.2. Танлашга қўйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эга бўлмаган;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;
- инсофисиз изрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб рақамларига эга бўлмаган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

5.3. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

- у тўғрисида Инсофисиз изрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиши максадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдиrsa;

иштирокчи рақобатга қарши харакатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги хисботга киритилади.

## **6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлаш ҳужжатининг таркиби**

7.1. Танлаш иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча

кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Иштирокчиларнинг таклифлари танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

7.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун харид комиссиясига ёзма равишаат қилишлари мумкин:

8.2. Харид комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлик саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 2 кун олдин харид комиссиясининг қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилишга ҳақлидир.

## **III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танлашда қатнашиш харажатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлик бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи таклифга барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

### **12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Талабгорнинг танловда қатнашиш бўйича аризасини қабул қилишда автоматик равишаат унинг танлов таклифлари тўғри тўлдирилгани текширилади.

Танлов таклифларини мезонлар бўйича баҳолашда танловда қатнашиш шартларига риоя этилиши, танлов шартларида кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги текширилади.

Талабгор томонидан тақдим этилган танлов таклифлари тўғри тўлдирилмагани ёки талабларга риоя этилмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бу ҳақда унинг шахсий кабинетига электрон хабар юборилади.

### **13. Муқобил таклифлари**

13.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

#### **IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНинг ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

##### **14. Танлаш таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш**

14.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда мухрлаши керак.

14.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

14.3. Айрим ҳолларда харид комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

#### **V. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

##### **15. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

15.1. Харид комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

15.2. Танлаш таклифларини баҳолаш бир босқичдан иборат бўлиб, Танлаш хужжатларининг V-бобига мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

15.3. Танлаш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

15.4. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

15.5. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиби-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

15.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

15.7. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

15.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

15.9. Танлаш таклифларини қараб чиқиши муддати 10 кундан ошмайди.

15.10. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор харид комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда харид комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хulosасига асосланилади. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилиган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

15.11. Харид комиссияси танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳукуқини ўзида олиб қолади.

15.12. Харид комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва харид комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

15.13. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш якунлангандан кейин уч кундан

кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг [www.e-tender.uzex.uz](http://www.e-tender.uzex.uz) махсус порталида эълон қилади.

15.14. Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

15.15. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

15.16. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари:

Т/р	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Ишларни ўз вақтида бажариш учун раҳбар томонидан имзоланган Кафолат хоти	максимал 2 балл	Техник талабларга мувофик келишига қараб баҳоланади
2.	Молиявий барқарорлиги	максимал 3 балл	Иштирокчи томонидан илова қилинган молиявий барқарорлик кўрсаткичларига асосан баҳоланди
3.	Умумий иш тажрибаси	максимал 3 балл	1-3-йилгача бўлган муддатда 1 балл, 3-5 йилгача бўлган муддатда 2 балл, 5 ва ундан ортиқ умумий иш тажрибаси бўлса 3 балл билан баҳоланади. Танловда эълон қилинган иш (хизмат) бўйича аввал бажарилган ишлар рўйхати (контргент номи, шартнома санаси, шартнома суммаси кўрсатилган жадвал илова қилиниши керак)
4.	Хизмат курсатиш моддий техника базаси низом талаби даражасида етарли булишлiği, ажратилган 3 ойлик смета маблаглари доирасида банқдаги хисоб варагида пул маблагига эгалиги тугрисида маълумотномаси	келади (2 балл) /келмайди (0 балл)	Танловда кўрсатилган иш (хизмат)ни бажариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси рўйхати илова қилиниши, ташкилотни саклаш учун 3 ойлик сметаси ҳамда сметада кўрсатилган маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк томонидан тасдикланган маълумотнома, танлов элон қилинган санада мавжуд дебитор-кредитор қарздорликлари тўғрисида маълумотнома илова қилиниши керак
<b>Жами максимал балл</b>		<b>10 балл</b>	

15.17. Минимал ўтиш балли **4 балл** деб белгилансин.

## 16. Таклифларнинг мос келмаслиги

16.1. Танлаш хужжатларини текшириш чогида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;  
таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини

күпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласди.

16.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

16.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

16.4. Танлаш кўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлса;

танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камидан иккита таклиф олинмаган бўлса.

16.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

### 17. Шартномани расмийлаштириш

17.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

17.2. Танлашда ғолиб чиқсан иштирокчи буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда шартномани бажариш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи.

Захирадаги ғолиб – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклиф қилган иштирокчи.

17.3. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.e-tender.uzex.uz](http://www.e-tender.uzex.uz) маҳсус порталсида эълон килинган кундан бошлаб уч кун муддат ичida тузилади.

17.4. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

17.5. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

### 18. Шартномани имзолаш

18.1. Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

18.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

18.3. Танлаш ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома

талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.